

**QORAQALPOG'ISTON  
RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR KENGASHINING  
FARMOYISHI**



**QARAQALPAQSTAN  
RESPUBLIKASI  
MINISTRLER KEÑESININ  
BIYLIĞI**

2023 - yil 10 - yanvar

4-13-0-F/23

Qoraqalpog'iston Respublikasi  
Vazirlar Kengashi

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 28 декабрдаги 736-F-сонли фармойиши ижросини ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат мулки объектларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишни Қорақалпоғистон Республикасида таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 28 декабрдаги 736-F-сонли фармойиши ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқорида кўрсатилган фармойиши билан қуйидагилар:

а) Мудофаа вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Жиззах, Фарғона, Наманган, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг Мудофаа вазирлигига тегишли бўлган кўп квартирали уйлардаги хонадонларни (кейинги ўринларда – объектлар) 1-иловага мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органларига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул бериш тўғрисидаги таклифлари мақулланганлиги;

б) Мудофаа вазирлигига тегишли бўлган кўп квартирали уйлардаги хонадонларни хусусийлаштириш бўйича “йўл харитаси” 2-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

в) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Жиззах, Фарғона, Наманган, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Мудофаа вазирлиги билан биргаликда объектлардаги хонадонлар уларда яшовчи фуқароларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 сентябрдаги ПҚ-694-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларини уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ хусусийлаштириб берилиши, муқаддам хусусийлаштирилган хонадонлар бундан мустасно;

кўп квартирали уйлардаги хизмат хонадонлари ҳисобини юритиш ва тақсимлаш Мудофаа вазирлиги томонидан амалга оширилиши белгилаб

кўйилганлиги;

г) Мудофаа вазирлигига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Жиззах, Фарғона, Наманган, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда объектларнинг белгиланган тартибда топширилиши ва қабул қилиб олинисини таъминлаш топширилганлиги;

д) Мудофаа вазирлигига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур фармойиш талабларига мувофиқлаштириш топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Е.Аташов Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги “Шимолий-ғарбий ҳарбий округи” билан биргаликда қонунчиликда белгиланган тартибда:

- мазкур фармойишнинг 2“а”-бандида 1-иловадаги рўйхатга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, “Ватанпарвар” МФЙдаги 23, 24, 25, 27, 28, 29, 31 ва 32-уйларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши балансига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул берилишини;

- бир ой муддатда ушбу объектларнинг топширилиши ва қабул қилиб олинисини таъминласин.

4. Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси объектларни топшириш ва қабул қилиб олиш бўйича тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилгандан сўнг бир ой муддатда объектларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш чоралари кўрилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги “Шимолий-ғарбий ҳарбий округи”га тегишли бўлган кўп квартирали уйлардаги хонадонларни хусусийлаштириш бўйича “йўл харитаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Е.Аташов зиммасига юклансин.

Қорақалпоғистон Республикаси  
Вазирлар Кенгаши Раиси



Ф.Эрманов

Qoraqalpog'iston Respublikasi Vazirlar  
Kengashining  
2023 yil 10 yanvardagi  
4-13-0-F/23-son farmoyishiga  
1-ilova

**Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги “Шимолий-ғарбий ҳарбий округи”га тегишли бўлган кўп квартирали уйлардаги хонадонларни хусусийлаштириш бўйича “ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
1	Кўп квартирали уйларни Мудофаа вазирлиги тасарруфидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига топшириш ва қабул қилиш ишларини ташкил этиш учун комиссия таркибларини тузиш	Буйруқ	2023й 15 январь	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Мудофаа вазирлиги “Шимолий-ғарбий ҳарбий округи”, Нукус шаҳар ҳокимлиги
2	Кўп квартирали уйларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига белгиланган тартибда топшириш	топшириш-қабул қилиш далолатномаси	2023й 30 январь	
3	Кўп квартирали уйларга бўлган ҳуқуқни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига расмийлаштириш	Давлат реестридан кўчирма	2023й 15 февраль	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Кадастр агентлиги Давлат кадастрлар палатаси ҚР бошқармаси
4	Кўп квартирали уйларнинг умумий мол-мулкани сақлаш, уларга туташ ер участкасини ободонлаштириш учун уйларни бошқарувчи ташкилотларга бириктириш	танлов баённомаси	2023й 10 март	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Нукус шаҳар ҳокимлиги

5	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 сентябрдаги ПҚ-694-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларини уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ кўп квартирали уйлардаги хонадонларни Мудофаа вазирлиги уй-жой фонди ҳисобидан ечиш ва уларда яшовчи фуқораларга хусусийлаштириб бериш <i>(муқаддам хусусийлаштирилган хонадонлар бундан мустасно)</i>	ордер	2023й давомида	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Мудофаа вазирлиги “Шимолий-ғарбий ҳарбий округи”, Давлат активларини бошқариш агентлиги ҚР бошқармаси, Кадастр агентлиги Давлат кадастрлар палатаси ҚР бошқармаси, Нукус шаҳар ҳокимлиги
---	---	-------	-------------------	---